

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2020.Fil.72.09 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АХМЕДОВА ДИЛДОРА БАҲОДИРОВА

АТОВ БИРЛИКЛАРИНИ ЎЗБЕК ТИЛИ КОРПУСЛАРИ УЧУН
ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ТЕГЛАШНИНГ ЛИНГВИСТИК АСОС ВА
МОДЕЛЛАРИ

10.00.01 – Ўзбек тили

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2020

УДК: 81'1:81'37[=512.133]

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
in philological Science**

Ахмедова Дилдора Баходировна Атов бирликларини ўзбек тили корпуслари учун лексик-семантик теглашнинг лингвистик асос ва моделлари.....	5
Ахмедова Дилдора Баходировна Лингвистические основы и модели лексико-семантической разметки номинативных единиц для корпусов узбекского языка.....	26
Axmedova Dildora Bakhodirovna Linguistic bases and models of lexical-semantic tagging of nominative units for Uzbek language corpora.....	49
Эълон қилинган ишлар рўйхати..... Список опубликованных работ List of publications	53

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2020.Fil.72.09 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АХМЕДОВА ДИЛДОРА БАҲОДИРОВА

АТОВ БИРЛИКЛАРИНИ ЎЗБЕК ТИЛИ КОРПУСЛАРИ УЧУН
ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ТЕГЛАШНИНГ ЛИНГВИСТИК
АСОС ВА МОДЕЛЛАРИ

10.00.01 – Ўзбек тили

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро–2020

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В 2019.2.PhD/Fil
777 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси www.buxdu.uz ва «Ziyonet» Ахборот таълим портали (www.ziyonet.uz)да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Менглиев Бахтиёр Ражабович,
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Раупова Лайло Рахимовна,
филология фанлари доктори, профессор
Абжалова Манзура Абдурашатовна,
филология фанлари фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Қарши давлат университети

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги **PhD.03/27.02.2020.Fil.72.09** рақамли Илмий кенгашнинг 20 20 йил «20» октябрь соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М. Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0 365) 221-29-14; факс: (0 365) 221-29-14, email: buxdu_rektor@buxdu.uz).

Диссертация билан Бухоро давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 968 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М. Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0 365) 221-29-14).

Диссертация автореферати 2020 йил «8» октябрь да тарқатилди.
(2020 йил «7» октябрь даги рақамли реестр баённомаси).



М.К.Абузалова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси, филология фанлари доктори (DSc),
доцент

Г.И.Тоирова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий
котиби, филология фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD), доцент

Д.З.Ражабов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси, филология
фанлари доктори (DSc), доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида компьютер ва корпус лингвистикаси муаммоларини ўрганиш жараёни XX асрнинг 40-йилларида бошланиб, 60-йилларда жадаллашди, XXI аср бошларида миллионлаб сўзлардан иборат тил корпуслари пайдо бўлди. Автоматик таржима, тезаурус, электрон луғатлардан фойдаланиш имконияти кенгайди, илмий-назарий асослари яратилди, амалиётда қўллана бошлади. Мазкур янгиланишлар ахборот технологияларини тилшуносликка татбиқ этиш билан боғлиқ истиқболли илмий йўналишлар пайдо бўлишига йўл очди. Бу эса атов бирликларини корпус материали сифатида теглаш тамойилларини ўрганиш заруратини кун тартибига қўйди.

Дунё тилшунослигида XXI асрга келиб, корпус лингвистикасини илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш ҳаракати кучайди. Компьютер лингвистикаси йўналишида автоматик таржима сифатини яхшилаш, ҳар бир тилга оид сўзларни леммалаш ва теглаш назарияси, алгоритми ҳамда лингвистик таъминотини яратиш, матн таҳлил қилиш, теглаш, таржима қилиш дастурлари тузиш жаҳон тилшунослигида долзарб масалага айланди. Тилшуносликда, хусусан, компьютер лингвистикаси соҳасида корпус бирликларини семантик теглаш, тег моделлари, теглаш алгоритминини ишлаб чиқиш, шу асосда автоматик семантик теглаш дастурини ишлаб чиқишга зарурат сезилмоқда.

Истиқлол йилларида компьютер лингвистикасида автоматик таржима, сунъий интеллектнинг ўзбек тилини тушуниш ва қайта ишлашига эришиш борасида талай ишлар амалга оширилган. Бинобарин, барча илмий йўналишлар қаторида тилшуносликда ҳам «...Давлат тилини ривожлантиришга оид илмий-тадқиқот ишларини қўллаб-қувватлаш, бу соҳада халқаро ҳамкорликни амалга ошириш вазифаси» нинг¹ белгиланиши ўзбек тилининг интернет тизимидан мустаҳкам ўрин олишига кўмаклашиш билан боғлиқ изланишлар олиб бориш муҳимлигини кўрсатади. Мамлакатимизда давлат тилига эътибор маънавиятга эътиборнинг устувор йўналишларидан бири даражасига кўтарилди. Шу боисдан она тилимизни асраб-авайлаш, бойитиш, ундан амалий фойдаланиш самарадорлигини ошириш билан бирга ўзбек тилининг замонавий ахборот-коммуникация тизимида кенг қўлланишига эришиш кечиктириб бўлмас масалага айланди. Корпус лингвистикаси истиқболли илмий йўналиш эканлигини инобатга олган ҳолда ўзбек тили миллий корпусини яратиш, лингвистик моделларни тузиш сингари масалаларни замонавий илмий тамойиллар асосида тадқиқ этиш фанимиз олдида турган долзарб вазифа ҳисобланади.

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони // www.xabar.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-4997-сон, 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2789-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5850-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги «Давлат тилини ривожлантириш департаменти тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 984-сон Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертацион иш муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тилшунослигида корпус соҳасидаги мақсадли тадқиқотлар XX асрнинг 40-йилларида Блумфилд, Фриз ва Бонджерслар томонидан бошланган²; Н.Френсис ва Г.Кучера илк марта корпус тузиш принципларини ишлаб чиққан³. Рус тилшунослигида В.П.Захаров, А.Б.Кутузов, Е.В.Недошивина, В.В.Риков, В.А.Плунгянлар корпус, унинг турлари, корпус тузиш ва теглаш тамойиллари борасида тадқиқот олиб боришган⁴. Корпус бирликларини лексик-семантик теглаш муаммолари Г.И.Кустова, О.Н.Ляшевская,

²Блумфильд Л. Язык. – Москва: Прогресс, 1968. – 608 с.; Fries Ch.C. The structure of English. An introduction to the construction of English sentences. – New York: Harcourt, 1952. – 304 p.; Bongers H. The history and principles of Vocabulary control. – Woerden: WOCOPI, 1947. . – 442 p.

³Френсис Н., Кучера Г. Вычислительный анализ современного американского варианта английского языка. – Москва, 1967.; Синклер Д. Предисловие к книге “Как использовать корпуса в преподавании иностранного языка”/ Д. Синклер [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://www.ruscorpora.ru/corpora-info.html>, свободный.

⁴Захаров В.П. Корпусная лингвистика. Учебно-методическое пособие. – Санкт-Петербург, 2005. – 69 с. – С. 27.; Кутузов А.Б. Корпусная лингвистика. – (Электрон ресурс): Лицензия Creative commons Attribution Share-Alike 3.0 Unported (Электрон ресурс) – //lab314.brsu.by/kmp-lite/kmp-video/CL/CorporeLingva.pdf; Недошивина Е.В. Программы для работы с корпусами текстов: обзор основных корпусных менеджеров. Учебно-методическое пособие. – Санкт-Петербург, 2006.–26 с.; Рыков В.В. Курс лекций по корпусной лингвистике. URL: <http://rykov-cl.narod.ru/c.html>; Плунгян В. Зачем мы делаем Национальный корпус русского языка? “Отечественные записки” 2005, №2. http://magazines.russ.ru/oz/2005/2/2005_2_20-pr.html

Е.В.Падучева, Е.В.Рахилина⁵, Ю.Д.Апресян, Л.Л.Иомдин, А.В.Санников, В.Г.Сизов тадқиқотлари⁶ предмети бўлган.

Ўзбек тилшунослигида компьютер лингвистикаси, матнга лексикографик ишлов бериш ва лингвостатистик таҳлил этиш борасида муайян тадқиқотлар амалга оширилган. А.Қ.Пўлатов, С.М.Муҳаммедов, Н.К.Айимбетов, С.Муҳамедова, С.А.Каримов, Г.У.Жуманазарова, А.Бабанаров, Д.Б.Ўринбоева, Н.З.Абдурахмонова, А.М.Норов ва бошқаларнинг изланишларини ана шундай ишлар сифатида қайд этиш ўринли⁷. Бу тадқиқотлар матни инновацион ёндашув – компьютер лингвистикаси ютуқлари ёрдамида лексикографик ва лингвостатистик тадқиқ этишнинг замонавий усуллари хусусида зарурий тавсиялар бера олганлиги билан долзарблик касб этган. Ўзбек тилшунослигида корпус, унинг ўзига хос хусусияти, ижтимоий, лексикологик, таълимий аҳамияти, корпус турлари, муаллифлик корпусининг лингвистик қиммати, ўзбек тили муаллифлик корпусини яратишнинг лингвистик асослари масалалари Ш.М.Хамроева⁸, ўзбек тили корпуслари учун синоним сўзлар базаси А.А.Эшмуминов⁹ томонидан тадқиқ этилган. Диссертацияни тайёрлаш жараёнида юқорида номлари санаб ўтилган тилшуносларнинг тадқиқотлари атрофлича ўрганилди, муносабат билдирилди ва улардан тадқиқотда фойдаланилди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

⁵Кустова Г.И., Ляшевская О.Н., Падучева Е.В., Рахилина Е.В. Семантическая разметка лексики в национальном корпусе русского языка: принципы, проблемы, перспективы \ (Электрон ресурс): <http://ruscorpora.ru/sbornik2005/10kustova.pdf>;

⁶Апресян Ю.Д., Иомдин Л.Л., Санников А.В., Сизов В.Г. Семантическая разметка в глубоко аннотированном корпусе русского языка // Труды международной конференции “Корпусная лингвистика – 2004”. – Санкт-Петербург: Издательство Санкт-Петербургского университета, 2004. – С.41-54.

⁷Муҳаммедов С.М. Статистический анализ лексико-морфологической структуры узбекских газетных текстов: Автореф. дисс... канд. фил. наук.–Ташкент, 1980.; Бабанаров А. Разработка принципов построения словарного обеспечения турецко-русского машинного перевода: Автореф. дисс... канд. фил. наук. – Ленинград, 1981.; Айимбетов Н.К. Опыт лингвостатистического анализа лексики и морфологии каракалпакского публицистического текста: Автореф. дисс... канд. фил. наук.– Ташкент, 1987.; Каримов С., Қаршиев А., Исроилова Г. Абдулла Қаххор асарлари тилининг луғати. Алфавитли луғат. Частотали луғат. Терс луғат. – Тошкент, 2007. – 420 б.; Ризаев С. Ўзбек тилининг лингвостатистик тадқиқи: Фил.фан.док.дисс...автореф. – Тошкент, 2008.; Муҳаммедова С. Ҳаракат феъллари асосида компьютер дастурлари учун лингвистик таъмин яратиш. Методик қўлланма. – Тошкент, 2006. – 45 б.; Ўринбоева Д.Б. Ўзбек фольклори матнларининг лингвостатистик тадқиқи. – Тошкент: Фан, 2010. – 121 б.; Жуманазарова Г.У. Фозил Йўлдош ўғли дostonлари тилининг лингвопoeтикаси: Фил. фан. док. дисс...автореф. – Тошкент, 2017.; Абдурахмонова Н.З. Инглизча матнларни ўзбек тилига таржима қилиш дастурининг лингвистик таъминоти (содда гаплар мисолида): Фил.фан.бўйича фалсафа доктори (PhD)...дис. автореф. – Тошкент, 2018.; Пўлатов А. Компьютер лингвистикаси. – Тошкент: Akademnashr, 2011. – 175 б.; Норов А. Компьютер лингвистикаси асослари. – Қарши, 2017. – 136 б.

⁸Хамроева Ш.М. Ўзбек тили муаллифлик корпусини тузишнинг лингвистик асослари: Фил.фан.бўйича фалсафа доктори (PhD)...дис. – Бухоро, 2018. – 250 б.

⁹Эшмуминов А.А. Ўзбек тили миллий корпуси синоним сўзлар базасини яратиш асослари: Фил.фан.бўйича фалсафа доктори (PhD)...дис. – Термиз, 2019. – 140 б.

Диссертация Бухоро давлат университетининг илмий тадқиқот режаларига мувофиқ «Ўзбек тилшунослигида тил, шахс ва жамият муносабатлари тадқиқи муаммолари» мавзусидаги илмий тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек тили атов бирликлари орасидаги лексик-семантик муносабатларнинг корпус тузишдаги аҳамиятини ўрганиш; атов бирликларини семантик теглашнинг моделлари ҳамда ўзбек тили бирликларини лексик-семантик теглашнинг корпус учун лингвистик таъминотини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўзбек тилида лексик-семантик майдон назариясининг корпус тузишдаги аҳамияти ҳамда лексик-семантик муносабатларнинг атов бирликларини теглашдаги ўрнини тадқиқ этиш;

корпус лингвистикасида ўзбек лексикографияси ютуқларидан фойдаланиш имкониятларини аниқлаш;

лексик-семантик теглаш назариясидаги қарашларни ўрганиш;

семантик теглаш алгоритминини аниқлаш;

ўзбек тили семантик майдонлари тег моделларини ишлаб чиқиш;

ўзбек тилидаги омоним ва кўп маъноли сўзларни теглаш муаммоларини аниқлаш ҳамда шундай бирликларни теглашнинг оптимал усулларини ишлаб чиқиш;

Абдулла Қаҳҳорнинг «Анор» ҳикояси матнини семантик теглаш ва натижаларни умумлаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўзбек тили атов бирликлари танланган.

Тадқиқотнинг предмети лексик-семантик теглашнинг лингвистик асос ва моделлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация мавзусини ёритишда таснифлаш, тавсифлаш, қиёслаш, статистик таҳлил методларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

луғавий-маъновий майдон назариясининг корпус тузишдаги аҳамияти ўрганилган, ўзбек тилидаги луғавий-маъновий муносабатларнинг ўзбек тили атов бирликларини маъновий теглашдаги ўрни асосланган;

луғатшунослик маҳсулотларининг тил корпусини семантик теглаш учун лингвистик таъминот вазифасини бажариши исботланган;

ўзбек тили атов бирликлари учун маъновий тег категориялари, константа ва оператор тег моделлари тузишнинг алгоритми ишлаб чиқилган;

ўзбек тилидаги кўп маъноли сўзларни теглашнинг назарий асослари, уларни теглаш учун семантик филтър тузиш йўллари далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўзбек тили семантик майдонлари асосида семантик тег моделлари аниқланган;

ўзбек тилидаги омонимларни теглаш муаммолари аниқланиб, ечимлар исботланган;

семантик тег категория ҳамда моделларини тузиш алгоритми ишлаб чиқилган;

ўзбек тилидаги атов бирликларини семантик теглаш ҳамда лингвистик моделлаштириш усуллари далилланган;

Абдулла Қаҳҳорнинг «Анор» ҳикояси матнидаги атов бирликлари семантик тегланган ва натижалар амалиётда аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ўрганилган материалларнинг ўзбек тили табиатидан келиб чиққан ҳолда хулосалар қилишга ёрдам берганлиги, уларнинг асосли эканлиги, методологик мукамаллиги, ўзбек тили атов бирликларини семантик теглаш тамойилларини яратишда амалда исботланган манбаларга таянилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот ўзбек миллий корпуслари яратишнинг назарий асосларини ишлаб чиқишда, компьютер лингвистикаси йўналишида тадқиқотлар яратишда илмий-назарий манба сифатида хизмат қилади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти амалий филология бўлимлари: компьютер лингвистикаси, корпус лингвистикасининг фан сифатида ўқитилиш жараёнида дастур, режа тузиш ҳамда мавзуларни баён этишда манба вазифасини ўташи билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқотда илмий асосланган ўзбек тили атов бирликларини лексик-семантик теглаш, лексик-семантик тег моделлари тузиш алгоритми тавсифи асосида:

ўзбек тилида лексик-семантик майдон назариясининг корпус тузишдаги аҳамияти ҳамда лексик-семантик муносабатларнинг ўзбек тили атов бирликларини маъновий теглашдаги ўрнига доир хулосалардан 2012-2016 йилларда бажарилган Ф1-ХТ-0-19919-рақамли «Ўзбек мифологияси ва унинг бадиий тафаккур тараққиётида тутган ўрни» мавзусидаги фундаментал илмий тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 3 июлдаги 89-03-2673-сон маълумотномаси). Илмий натижалар асосида ўзбек луғатшунослиги ва миллий корпус лингвистикаси муносабати кўрсатиб берилган, луғавий-маъновий теглаш назариясидаги қарашлар ўрганилган ва умумлаштирилган;

ўзбек тили луғавий майдонлари асосида маъновий тег моделларини ишлаб чиқишнинг ҳамда ўзбек тилидаги омоним ва кўп маъноли сўзларни теглашнинг назарий асослари очиқ берилган материаллардан 2012-2014 йилларда бажарилган ИТД-1-07 рақамли «Тилшунослик асослари фанидан дарслик, ўқув-услубий мажмуа ва уларнинг электрон нусхаларини яратиш» мавзусидаги амалий грант лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 19 июндаги 89-03-2152-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижалари ўзбек тили корпуслари яратишнинг назарий асосларини ишлаб чиқишда хизмат қилган;

ўзбек тили атов бирликлари учун маъновий тег категориялари ҳамда константа ва оператор тег моделлари тузишнинг алгоритмини кўрсатиб

берувчи материаллардан 2018-2019 йилларда Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Маҳалла» телеканалининг «Маърифат ёғдуси» ва «Машварат» кўрсатувларининг сценарийларини тузишда фойдаланилган (ЎзМТРКнинг 2020 йил 10 февралдаги 01-18-132-сон маълумотномаси). Натижада томошабинлар дунёқарашида ўзбек тили маъновий майдонлари асосида маъновий тег моделлари ишлаб чиқиш ҳақидаги тасаввурларнинг пайдо бўлиши, ёшларнинг билим олишга бўлган қизиқиши ҳамда интернет орқали ўзбек тилига оид билимларининг такомиллашишига кўмаклашилди.

Абдулла Қаҳҳорнинг «Анор» ҳикояси корпуси интерфейси лойиҳалаштирилган; асар матни атов бирликлари луғавий-маъновий теглари лингвистик моделидан корпус on-line варианты фрагментини яратишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигининг № DGU 08980 рақамли гувоҳномаси). Натижада «Абдулла Қаҳҳорнинг «Анор» ҳикояси семантик разметкаси» on-line варианты фрагменти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро, 7 та республика илмий-амалий анжуманларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг асосий мазмуни муаллиф томонидан чоп этилган жами 20 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 5 та республика ҳамда 3 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 146 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ҳамда диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ўзбек тили атов бирликлари орасидаги лексик-семантик муносабатлар**» деб номланувчи биринчи бобида ўзбек тилида лексик-семантик майдон назариясининг корпус тузишдаги аҳамияти, лексик-семантик муносабатларнинг атов бирликларини теглашдаги ўрни ҳамда ўзбек лексикографияси ва корпус лингвистикаси муносабати масалалари ўрганилган. Бобнинг «Ўзбек тилида лексик-семантик майдон назариясининг корпус тузишдаги аҳамияти» номли биринчи бўлимида тилга систем ёндашув тарихи, ўзбек тилшунослигида синонимик қатор, лексик-семантик

гуруҳ, лексик-семантик майдон ҳақидаги тадқиқот натижаларидан корпус семантик тегларини тузишда фойдаланиш, корпус материалларини теглашда ЛСГ, МГ ва ЛСМнинг аҳамияти масалалари кўриб чиқилган.

Тил – яхлит бир бутунликни ташкил қилувчи элементлар системаси. Уни ташкил этувчи ҳар бир элемент маъноси бир вақтнинг ўзида системани ташкил қилаётган бошқа элементларнинг мавжуд бўлишидан келиб чиқади¹⁰. В.Гумбольдт, А.Шлейхер, Г.Штейнталь, В.Матезиус, В.Скаличка, Н.С.Трубецкой, Л.Ельмслев, Х.Ульдаль, Л.Блумфильд, Э.Сепир, Б.Уорф, З.С.Харрис, А.Мартине, Л.Вайсгербер, Бодуэн де Куртенэ, Ф.Фортунатов сингари жаҳон тилшунослигининг кўзга кўринган олимлари томонидан илгари сурилган лингвистик концепцияларда тилга систем-структур ёндашувнинг турли хил кўринишларини учратиш мумкин¹¹. Рус тилшунослигида лексик система ва структура етарлича тадқиқ қилинган¹², ўзбек тили лексикасини атрафлича ўрганишда ўзбек олимларининг хизматлари беқиёс. Улар фундаментал тадқиқотлари билан ўзбек тили лексикасини система сифатида ўрганиш учун улкан замин ҳозирладилар; бу усулни илк босқичда бошлаб ҳам бердилар; ўзбек тили систем лексикологиясига асос солдилар¹³, бир гуруҳ олимларнинг илмий изланишлари эса тўғридан-тўғри лексикани систем тилшунослик нуқтаи назаридан ўрганишга бағишланган¹⁴.

¹⁰ Соссюр Ф. Де. Труды по языкознанию. – Москва: Прогресс, 1977. – С.147.

¹¹Қаранг: Основные направления структурализма. – Москва: Наука, 1964. – 360 с.; Звегинцев В.А. История языкознания XIX и XX веков в очерках и извлечениях. – ч. I. – Москва, 1964.; ч. II. – Москва, 1965. – 496 с. ; Звегинцев В.А. Язык и лингвистическая теория. – Москва: Издательство МГУ, 1973. – 248 с. ; Философские основы зарубежных направлений в языкознании. – Москва: Наука, 1977. – 295 с.; Новое в лингвистике. – Москва: Прогресс. Вып. I. 1960.; Вып. 2. 1962.; Вып. 3. 1963. – 686 с.

¹²Қаранг: Щерба Л.В. Языковая система и речевая деятельность. – Ленинград, 1974. – 418 с.; Виноградов В.В. Избранные труды. Лексикология и лексикография. – Москва: Наука, 1977. – 360 с.; Ахманова О.С. Очерки по общей и русской лексикологии. – Москва: Учпедгиз, 1957. – 194 с.; Уфимцева А.А. Опыт изучения лексикологии как системы (на материале английского языка). – Москва: Издательство АН, 1962. – 288 с.; Степанов Ю.С. Семантика. – Москва: Радуга, 1983. – 627 с.; Шмелев Д.Н. Проблемы семантического анализа лексики. – Москва, 1973. – 280 с.; Новиков Л.А. Семантика русского языка. – Москва: Высшая школа, 1982. – 272 с.

¹³Ибрагимов С. Профессиональная лексика узбекского языка: Автореф. дис... д-ра фил. наук. – Ташкент, 1961.; Ҳожиёв А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. –Тошкент: Ўқитувчи, 1974. – 308 б.; Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. –Тошкент: Ўқитувчи, 1978. – 406 б.; Қўчқортоев И. Сўз маъноси ва унинг валентлиги. –Тошкент: Фан, 1977. – 187 б.; Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. – Тошкент: Фан, 1985. – 199 б.; Пинхасов Я. Ҳозирги ўзбек адабий тили (Лексикология ва фразеология). – Тошкент: Фан, 1969. – 286 б.; Дадабоев Х. Военная лексика в староузбекском языке: Автореф. дис.... канд. фил. наук. – Тошкент, 1981.; Бафоев Б. Кўҳна сўзлар тарихи. – Тошкент: Фан, 1991. – 152 б.

¹⁴Раҳматуллаев Ш. Семема – мустақил тил бирлиги // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1984, 5-сон.; Қўчқортоев И. Сўз маъноси ва унинг валентлиги. –Тошкент: Фан, 1977. – 187 б.; Бегматов Э., Неъматов Х., Расулов Р. Лексик микросистема ва унинг тадқиқ методикаси (Систем лексикология тезислари) // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1989, 6-сон. – Б.35- 40.; Неъматов Х., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – 128 б.; Расулов Р. Ўзбек тилида ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари. – Тошкент: Фан, 1989. – 131 б.; Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш: Фил. фанлари д-ри ... дис. автореф. – Тошкент, 1997.; Искандарова Ш. Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон сифатида ўрганиш (шахс микромайдони): Фил. фанлари д-ри ... дис. автореф. – Тошкент, 1999.; Сафарова Р.Г. Гипонимия в узбекском языке (на материале общепотребительных зоонимов): Автореф. дис... канд. фил. наук. – Тошкент, 1990.; Орифжонова Ш. Ўзбек тилида луғавий градуонимия: Фил. фан. номзоди ... дис. автореф. – Тошкент, 1996.; Қиличев Б. Ўзбек тилида партонимия: Фил. фан. номзоди ... дис. автореф. – Тошкент, 1997.

Луғавий семантик майдон (ЛСМ) назарияси асосида соҳалараро алоҳида илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш, асосан, XX асрнинг 70-80-йилларида бошланди. Бу босқич лексикани маълум бир семантик гуруҳлар (ЛСГ)дан, муайян маъно элементларининг муносабатларидан ташкил топган яхлит система сифатида ўрганиш билан характерланади.

ЛСМ ўзида бир неча ЛСГларни қамраб олган нисбатан кенгроқ майдон. Сўзни синонимик қатор, ЛСГ ёки ЛСМга қамраб олишда семанинг умумий базасига, шунингдек, гуруҳ таркибидаги ҳар бир лексик birlikнинг маъно(лар) тизимига асосланилади.

Сўзларнинг яна ҳам каттароқ доирадаги гуруҳлашуви – мавзувий гуруҳ (МГ); бу гуруҳ турли сўз туркумидаги сўзларнинг мавзу умумийлиги асосидаги тўплами. Бу тўплам турли: парадигматик ва синтагматик муносабатлар асосида тузилади. Масалан, «спорт» МГ (*футбол, гол урмоқ, стадион, мухлис*) ёки «савдо» МГ (*савдо қилмоқ, савдолашмоқ, бозор, магазин, сотувчи, харидор, сотув, сотмоқ*). МГга турли ЛСГлар киради. Масалан, *савдо бинноси* ЛСГи (*магазин, киоск, бутик, супермаркет, дўкон*), синоним (*эга бўлмоқ, сотиб олмоқ*), антоним (*қиммат – арзон*), гипоним (*магазин – гастроном*)лар «савдо» МГга киради.

Тил эгалари томонидан бу birlikлар нутқда аралаш ҳолда қўлланилаверади. Тил корпусларини семантик теглашда ЛСГ, МГ ҳамда ЛСМнинг чегараси аниқ, қидирув ойналарида ушбу иерархия тўғри жойлашган бўлиши лозим. «МГ олам лисоний манзарасини, унинг фрагментларини ифодаласа, ЛСМ маъно қирралари ва муносабатларини ифодалайди»¹⁵ принципига амал қилишимиз ўринли.

Лексикани ўрганишга икки: семасиологик (сўздан тушунчага) ва ономасиологик (тушунчадан сўзга) аспектдан ёндашиш тил корпусида сўз билан ишлаш, сўз ўрганиш, лингвистик амаллар бажаришнинг асосий йўналишларини белгилаб беради. Сўзга мавзувий гуруҳ, лексик-семантик гуруҳ, семантик майдон асосида ёндашиш корпусда тушунчадан сўзга қараб бориш имкониятини беради. Жаҳондаги мавжуд семантик аннотация (разметка, тег)га эга корпус¹⁶ларнинг кўпчилигида «тушунчадан сўзга» тамойилига амал қилинган. Бизнингча, корпус материални семантик теглашда икки томонлама: сўздан тушунчага, тушунчадан сўзга қараб бориш ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Корпусда birlikлар семантик жиҳатдан ЛСГ > МГ > ЛСМ иерархик тарзда қидирилади. Бу – қидирувнинг «тушунчадан сўзга» принципи. Қидирувнинг биринчи ойнасида ЛСМлар акс этади; ҳар бир ЛСМнинг ичига кирилганда яна кичик ЛСМлар жойлашади; уларнинг ҳар биттаси МГ, МГлар эса ЛСГлардан иборат бўлади. Корпус материални семантик теглаш ва қидирув ойнасида ЛСМларни жойлаштириш бир неча босқичда амалга оширилади.

¹⁵<https://studfiles.net/preview/5837469/page:4/>: (Рублева О. Л. Лексикология современного русского языка. – Москва, 2016. – 257 с.)

¹⁶ Қаранг: (<http://ruscorpора.ru/corpora-sem.html>)

Бобнинг «Лексик-семантик муносабатларнинг атов birlikларини теглашдаги ўрни» номли иккинчи бўлимида ўзбек тилида лексик-семантик муносабат турлари, уларнинг ўрганилиши; ўзбек тили birlikлари ўртасидаги лексик-семантик муносабат асосида семантик теглар мажмуини яратиш муаммолари таҳлилга тортилган.

Лексик birlikлар лисонда турли семантик муносабат асосида турлича парадигма ҳосил қилган ҳолда мавжуд бўлади. Синонимик, антонимик, градуонимик, партонимик, гипонимик муносабат ана шундай лисоний муносабат турларига киради¹⁷. Тил birlikларининг диалектика қонуниятлари асосида бир ерга жамланиши, алоҳида лексик-семантик гуруҳларни ташкил қилиши, гуруҳ ичидаги бошқа аъзолардан маълум бир белгилар асосида фарқланиши сабаблари кенг кўламда тадқиқ қилинган. Манбаларда семантик майдондаги парадигма аъзолари ўртасидаги муносабат турлари синонимик, гипер-гипонимик, холо-меронимик, градуонимик, функционимик, зидлик муносабати каби гуруҳларга бўлинган¹⁸.

Маълумки, тил корпуси – лингводидактик, лингвистик ва бошқа ижтимоий соҳаларнинг зарурий иш қуроли. Корпус ҳақидаги тадқиқотларда корпуснинг сўз ўрганишда катта ахборот базаси эканлиги аллақачон ўз исботини топган¹⁹.

Семантик теглашда «сўздан тушунчага» принципи сўз маънолари изоҳи, лексик-семантик муносабатга киришувчи лексемалари: синоним, антоним, гипоним/гипероним, градуоними, холо/мероними ҳақидаги изоҳларни тег сифатида бириктиришдан иборат. Семантик теглар тизимида сўзшакл, лемма, изоҳли луғатдаги маънолари, мавжуд синоним, градуоним, гипоним/гипероним, холо/мероним, антонимлари ҳақидаги изоҳ киради. Семантик тег таркибига *туркумий белгиси, маъноси, синоними, антоними, уяси, уядоши, даражаланиш қатори, келиб чиқиши, омоними, услуби, пароними, варианты, қўлланиш даври* каби белгилар кириши ўринли. Айтиш мумкинки, тил birlikларини корпус учун семантик теглашда шу пайтгача тилшуносликда лексик-семантик муносабатлар тадқиқи натижасида қўлга киритилган хулоса, назарий материал, луғатлар лингвистик таъминот базаси сифатида хизмат қилади.

¹⁷Sayfullayeva R. va b. Hozirgi o'zbek adabiy tili. O'quv qo'llanma. – Toshkent : Fan va texnologiya, 2009. – B.112.

¹⁸ Собиров А. Ўзбек тилининг лексик сатҳини системалар системаси тамойили асосида тадқиқ этиш. – Тошкент: Маънавият, 2004. –140 б.

¹⁹Бу ҳақда тўлиқроқ маълумот олиш учун қаранг: Захаров В.П. Корпусная лингвистика. Учебно-методическое пособие. – Санкт-Петербург, 2005. – 48 с. – С.27.; Кутузов А.Б. Корпусная лингвистика. – (Электрон ресурс): Лицензия Creative commons Attribution Share-Alike 3.0 Unported (Электрон ресурс) – //lab314.brsu.by/kmp-lite/kmp-video/CL/CorporeLingva.pdf; Национальный корпус русского языка // Вопросы языкознания. – Москва: Наука, 2006. – С.149-155.; [http://wikipedia.org/wiki/ Корпусная лингвистика](http://wikipedia.org/wiki/Корпусная_лингвистика). Статья в интернет-энциклопедии Википедия; www.ruscorpora.ru/ Плунгян В. Зачем мы делаем корпусы? “Отечественные записки” 2005, №2. http://magazines.russ.ru/oz/2005/2/2005_2_20-pr.html; Хамроева Ш. Ўзбек тили муаллифлик корпусини тузишнинг лингвистик асослари: Фил.фан.бўйича фалсафа доктори (PhD)...дис. – Бухоро, 2018. – 250 б.

Бобнинг «Ўзбек лексикографияси ва корпус лингвистикаси» деб аталган учинчи бўлимида луғат мақоласи ва семантик теглар мажмуидаги муштарак, фарқли жиҳатлар, ўзбек тилидаги луғатлардан корпус материали сифатида фойдаланиш аҳамияти, тил корпуси учун ахборот манбаи бўла оладиган луғатлар, луғат мақоласининг тузилиши, уларнинг корпус бирлигини теглашдаги имконияти очиб берилган.

Ўзбек тилида мавжуд луғатлар матнини электронлаштириш – луғатни корпус билан боғлашнинг илк босқичи. Лексикада системалилик тилнинг бошқа сатҳларидаги каби яққол кўзга ташланиб турмайди. Лексикани сифат ва миқдор жиҳатдан инвентаризация қилиш, кенг тадқиқ қилиш имконияти пайдо бўлган. Тил birlikларини семантик теглаш учун энг асосий манба ўзбек тилининг изоҳли луғати²⁰ саналади. Луғатда бош сўзнинг ҳар қандай маъноси эмас, балки унинг ҳозирги умумистеъмолда бўлган, кўпчиликка тушунарли бўлган маъноси/лари қайд этилган. Бош сўз бир маъноли бўлса, луғат мақоласи шу маъносини изоҳлаган; кўп маъноли бўлса, ҳар бир маъноси, маълум тартибда, тўқ қора рангли араб рақами билан алоҳида-алоҳида қайд этилган. «Сўздан тушунчага» принципидаги теглашда сўз маъноларини белгилаш луғатдаги тартибда амалга оширилиши айни муддао. Аммо «тушунчадан сўзга» принципидаги қидирувда кўп маъноли сўзнинг маъносини тегишли ЛСГ, МГ ва ЛСМларга бириктириш лозим, чунки кўп маъноли сўз бир маъноси билан бир ЛСГга мансуб бўлса, иккинчи маъноси билан бошқа ЛСГ/ЛСМга тегишли бўлади.

Луғат мақоласида иллюстратив мисоллар миқдори чегараланган бўлади; корпусда аксинча: қидирилган бир сўзнинг минглаб мисоллар контекстига ҳавола қилиш имкони бор. Мавжуд антоним ва синонимлар луғатини корпуснинг базасига боғлаш, қидирув берилганда шу луғатлардан гиперссилка асосида топишни йўлга қўйиш яхши натижа беради. Гипергипонимик, холо-меронимик муносабатни акс эттирувчи луғат ўзбек тилида ҳали яратилмаганлиги сабабли сўзни ушбу параметрлар асосида семантик теглаш учун лексикографик материал мавжуд эмас. Семантик теглашда бу борада қилинган тадқиқотларга таянган ҳолда мустақил, қўл меҳнати билан бажарилади.

Тадқиқотнинг иккинчи боби «**Атов birlikларини лексик-семантик теглашнинг назарий асос ва моделлари**» деб номланган. Бобнинг «Лексик-семантик теглаш назариясидаги қарашлар» сарлавҳали биринчи бўлимида семантик разметка ҳақида умумий маълумот келтирилган, семантик разметканинг ўрганилиши, амалиётда қўлланиши таҳлил этилган.

Семантик тег – тил корпусидаги сўз ёки сўз бирикмасининг маълум бир семантик категория ёки ундан ҳам кичикроқ семантик гуруҳ (ЛСГ, семантик майдон ва тўда)га мансублигини билдирувчи, маънони

²⁰ Ўзбек тилининг изоҳли луғати (А.Мадвалиев таҳрири остида). 5 жилдли. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2000-2006.

махсулаштирувчи белги, изоҳлар мажмуи²¹. Корпуснинг семантик теглари сўз маъноси(лари) спецификаси, сўзнинг омонимлик, синонимлик билан боғлиқ изоҳлар мажмуини тузиш, сўзни категориялаш, унинг мавзувий гуруҳ, ЛСГ, семантик майдонга мансублигини белгилаш, деривацион характеристикаси, аташ маъносини қамраб олади. Мавжуд миллий корпуслар семантик теглаш принципларини кузатиш корпусда бир сўзшаклга уч турдаги белги (разряд, лексик-семантик характеристика, деривацион тавсиф) бириктирилишини кўрсатди. Лексик-семантик теглар (1) таксономия (лексема мансуб ЛСГ) – от, сифат, феъл, равиш сўз туркумлари учун тегишли тег; (2) мереология («бутун-бўлак»ка ишора қилувчи белги, «элемент-тўда/гуруҳ»га мансублик белгиси) – предмет ва нопредмет атов бирликларига тегишли тег; (3) топология (ифодаланаётган объектнинг топологик мавқеи) – нарса отларига тегишли тег; (4) каузация – феълларга тегишли тег; (5) баҳо – предмет ва нопредмет атов бирликлари, сифат ва равишга тегишли тег майдони бўйича гуруҳланади.

Семантик теглашда ягона стандарт шакл бўлмаса ҳам, ҳарф, рақам ёки фақат рақамдан иборат кодлардан фойдаланилади. Биринчи ҳарф ёки рақам умумий семантик маънони, кейинги белги сўз маъносини янада махсулаштирувчи кичик семантик гуруҳни ифодалайди. Семантик тег нафақат сўз, балки кўплаб бирикмаларни семантик гуруҳга бирлаштиради, бундай пайтда турли бирикувдаги бир маънони билдирувчи бирикмалар битта белги билан кодланади. Семантик теглаш корпус воситасида лингвистик амаллар бажариш имконини кенгайтирувчи иш қуроли: корпусда семантик аннотацияланган бирликнинг мавжуд бўлиши фақат алоҳида сўзни эмас, балки фойдаланувчи томонидан сўралган бирикма ҳолидаги конструкция қидирувига жавоб бериш имконини пайдо қилади. Семантик разметка морфологик разметканинг давоми ва кенгайтмаси саналади; у ўзида уч гуруҳ белгилар тизимини: (1) сўз ясовчи кўрсаткичлар билан шаклланган бирлик; (2) лексик-семантик хусусиятга тегишли белги: атоқли от, нарса оти, аслий ва нисбий сифат; ўз ва кўчма маъно; (3) хусусий-семантик белги: мавзувий (таксономик) гуруҳ, семантик майдонни акс эттиради²². Корпусни семантик теглаш дастурчи ва тилшунос компетенцияси бирлашиши асосида икки асосий кўринишга ажратилади:

- 1) терминологик разметка – матндаги тушунчани номлаш босқичи;
- 2) бирликлараро муносабатни кўрсатувчи тег билан таъминлаш. Бунда ҳар қайси бирликнинг семантик майдондаги ўрни, бошқа бирлик билан муносабатини аниқлаш назарда тутилади.

²¹Захаров В.П., Богданова С.Ю. Корпусная лингвистика: учебник для студентов гуманитарных вузов. – Иркутск: ИГЛУ, 2011. – 161 с. – С.48-49.

²²Кустова Г.И., Ляшевская О.Н., Падучева Е.В., Рахилина Е.В. Семантическая разметка лексики в Национальном корпусе русского языка: принципы, проблемы, перспективы// Национальный корпус русского языка: 2003-2005. Результаты и перспективы. – Москва: Индрик, 2005. – С.155-174.

А.А.Кретов тегларни константа, оператор-классификаторга ажратади²³. Масалан, *Sr t:constr* бино ва иншоот (уй, чордоқ, кўприк). Ушбу теглар тизимида *Sr* константа, *t:constr* эса классификатор.

Бобнинг «Корпус лингвистикасида семантик тег категориялари: тажриба ва таҳлил» номли бўлимида семантик тег тизимида турли ёндашув, қарашлар; семантик разметка тизимида тег гуруҳлари тадқиқ этилган. Корпус лингвистикасида семантик разметка, унинг теглар тизими, тег категориялари, семантик теглаш муаммолари, кўп маънолилиқ ва омонимлик муаммосини ечиш масаласига оид бир қатор тадқиқотлар вужудга келган²⁴. В.В.Куканова «Семантик разметка нега керак?» деган саволга С. Гиндиннинг сўзлари билан жавоб беради: «Тил тавсифига икки томондан ёндашиш мумкин: шаклдан мазмунга ҳамда мазмундан шаклга. Биринчи ёндашув маълум тил бирлигининг мавжуд барча маъносини аниқ, тўлиқ тавсифлашни, унинг қўлланиш контекстини кўрсатади. Иккинчи ёндашувда эса, аксинча, айти бир мазмунни ифодалай оладиган барча шаклларни бир нуқтага йиғиш мақсад қилинади: бунда қайсидир маъно мажмуи тўпланади. Иккала ёндашув ҳам тилшунослик ва тил таълими учун бирдек аҳамиятли. Грамматика ва луғат ўқувчиси она тили (хорижий тил)ни ўрганар экан, икки хил ёндашувга ҳам эҳтиёж сезади. Агар нотаниш сўз ёки конструкция учраса, луғат/грамматикага мурожаат қилинади; киши ўзи нимадир ҳақида ёзиши, гапириши лозим бўлса, унда сўз/ифода қидириб қолади: нима демокчилигини билади, ҳис қилади, аммо керакли сўз/грамматик шаклни топа олмайди»²⁵. Ҳақиқатан, семантик разметка тил лексикаси тадқиқи учун жуда муҳим: тадқиқотчи/фойдаланувчи/ўқувчига сўзнинг бирикиш имконияти, синтактик конструкциясини кузатишга кенг йўл очади. Масалан, айрим сифатлар борки, фақат маълум отлар билан семантик валентлик имкониятига эга. Интерфейсда шундай сўровларни ҳосил қилиш мисоллар массиви орқали сўзнинг валентлигини кўрсатади.

Масалан, *шайтон* сўзи контекстга қараб қуйидаги маъноларни билдиради:

²³Кретов А.А. Анализ семантических помет в НКРЯ // <http://ruscorpora.ru/sbornik2008/11.pdf>.

²⁴Куканова В. В. Принципы семантической разметки национального корпуса калмыцкого языка // http://kalmcorp.ru/sites/default/files/kukanova_25.pdf; Кретов А.А. Анализ семантических помет в НКРЯ // <http://ruscorpora.ru/sbornik2008/11.pdf>; Кустова Г.И., Ляшевская О.Н., Падучева Е.В., Рахилина Е.В. Семантическая разметка лексики в Национальном корпусе русского языка: принципы, проблемы, перспективы // Национальный корпус русского языка: 2003-2005. Результаты и перспективы. – Москва: Индрик, 2005. – С.155-174.; Ляшевская О.Н. Топологические классы имен в семантической разметке Национального корпуса русского языка // Труды международной конференции «Корпусная лингвистика-2008» (Санкт-Петербург, 6-10 октября 2008 г.). Санкт-Петербург: Санкт-Петербургский гос. университет, Факультет филологии и искусств, 2008. – С.276-284.; Рахилина Е.В., Кобрицов Б. П., Кустова Г.И., Ляшевская О.Н., Шеманаева О.Ю. Многозначность как прикладная проблема: семантическая разметка в Национальном корпусе русского языка // Компьютерная лингвистика и интеллектуальные технологии: Труды международной конференции «Диалог-2006». – Москва, 2006. – С.445-450.; Рахилина Е.В., Кустова Г.И., Ляшевская О.Н., Резникова Т.И., Шеманова О.Ю. Задачи и принципы семантической разметки лексики в НКРЯ // Национальный корпус русского языка: 2006-2008. Новые результаты и перспективы/ отв. ред. В. А. Плуныян. Санкт-Петербург: Нестор-История, 2009. – С.215-239.;

²⁵Куканова В.В. Принципы семантической разметки национального корпуса калмыцкого языка // http://kalmcorp.ru/sites/default/files/kukanova_25.pdf

ШАЙТОН I [иблис; жин, ажина] 1 дин. Одамларни дин йўлидан оздирувчи, уларни гуноҳга, жинойтга, разолатга бошловчи ёвуз руҳ ёки ёвуз руҳларнинг бошлиғи; иблис. 2 кўчма Айёр, қув одам; алдамчи. *Анави магазинчи бор-ку. Ўлгудек шайтон.* Р.Файзий, Чўлга баҳор келди. 3 кўчма Шўх, ўйноқи. ...*Ноумид – шайтон... Шайтон арава ... Шайтон йиғиси ... Шайтонга ҳай бермоқ ... Шайтони зўр (ёки кучли) ... Шайтони қўзимоқ*²⁶.

Бу жараённинг алгоритми, тахминан, қуйидагича бўлади:


1) юқорида ажратиб кўрсатилганидек, изоҳли луғатларда мавжуд маънолари йиғилади, лингвистик таъминот тузилади;

2) бирикма леммаланади: битта лемма(сўз)га тенглаштирилади. Масалан: <ноумид – шайтон>, <шайтон арава>, <шайтон йиғиси>, <шайтонга ҳай бермоқ>, <шайтони зўр>, <шайтони қўзимоқ>. Энди компьютер буни битта сўз деб тушунади ва шундай сўров бўлганда лингвистик таъминот базасидан ўз семантик изоҳи орқали жавоб топади.

Шайтон леммасининг семантик аннотацияси қуйидаги кўринишда бўлади: *Шайтон* Одамларни дин йўлидан оздирувчи, уларни гуноҳга, жинойтга, разолатга бошловчи ёвуз руҳ ёки ёвуз руҳларнинг бошлиғи, иблис (1); айёр, қув одам, алдамчи (2); шўх, ўйноқи (3); *ноумид – шайтон* Инсон доим умид, яхши ният билан яшашини, умидсизланмасликни қайд этувчи, шунга даъват этувчи ибора; *шайтон арава* эск. айн. Велосипед; *шайтон йиғиси* ёлғондакам, йўлига бўладиган йиғи; *шайтонга ҳай бермоқ* бирор хатти-ҳаракатдан ўзини тиймоқ, ўзини босмоқ; *шайтони зўр* шўхлиги тез ва кучли қўзғаладиган, шундай хусусиятли; *шайтони қўзимоқ* шайтони қўзғамоқ, жини тутмоқ.

Семантик разметканинг ўзига хос томони аннотациялашнинг икки хил: фасет ва шажара усулининг мавжудлигида. Амалда бирликнинг хусусиятига қараб бу икки усулдан бири ёки иккаласи аралаш ҳолда қўлланади. Фасет усули бирликка кетма-кет изоҳ беришни тақозо қилса, шажара усули бирлик мансуб бўлган гуруҳ, тўда, майдонни белгилашни талаб қилади. Биринчи усулда сўздан маънога, иккинчи усулда маънодан сўзга қараб борилади. Бу мутахассиснинг разметка жараёнида ҳам, интерфейсида акс этадиган қидирувда ҳам сўз → маъно, маъно → сўз принципига амал қилишини кўрсатади. Разметка воситаларининг таркибий қисмлари ва уларнинг ўзаро муносабатини қуйидаги жадвалда кузатиш мумкин:

²⁶Ўзбек тилининг изоҳли луғати (А.Мадвалиев таҳрири остида). 5 жилдли. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2000-2006. – 4-том. – 534-б.



Бобнинг «Семантик разметка тизими ва моделларини тузиш алгоритми» деб номланган учинчи бўлимида семантик разметка тизими, модели, семантик разметка тизимида кўп маънолик ва филтёр масалалари муҳокама этилган.

Кўп маъноликни фарқлаш учун катта контекст керак: сўзловчи ва тингловчи бундай кўп маъноликни нутқда сезмайди. Корпус разметкаси, одатда, кўп маъноликни аниқлашда бирликнинг «кўшни» сўзга бирикишига қараб иш тутаяди. Бундай алгоритмни яратиш учун қоидалар мажмуи (типик ва кам учрайдиган ҳолатларнинг барчаси) тилшунос томонидан лингвистик таъминот базасига киритилиши лозим. Разметка тизимида бирлик разрядини белгилаш сўзнинг нарса/шахс оти билан бирика олиш қобилиятига қараб фарқланади: *енгил* сифати нарса оти билан бирикма ҳосил қилганда «оғир эмас» маъносини англатади. Бу бирликнинг кейинги разрядлари эса нопроект отлар таксономлари билан чегараланади. Унинг филтёрларидан бири қуйидаги кўринишга эга бўлади:

Сўз	Контекст	Яқуний маъно
<i>Енгил</i>	+ нарса оти	Sem= разряд «белги-хусусият» таксономик синф: физик хусусият: вазн

Яланғоч сўзининг иккита маъноси мавжуд. Қиёсланг: *Яланғоч 1* – *яланғоч киши*; *Яланғоч 2* – *яланғоч фикр*.

Бирликнинг ҳар бир маъноси отнинг таксономик синф билан бирикишида чегараланади. Семантик разметкаси қуйидаги шаклга эга бўлиши мумкин:

Сўз	Контекст	Яқуний маъно
<i>Яланғоч</i>	+ шахс	Sem= разряд «белги-хусусият» таксономик синф: физик ҳолат
<i>Яланғоч</i>	+ ўрин-жой	Sem = разряд «белги-хусусият» таксономик синф: ташқи кўриниш
<i>Яланғоч</i>	+ нарса оти	Sem= разряд «белги-хусусият» таксономик синф: физик хусусият

Фикримизни далиллаш учун *совуқ* сўзини таҳлил қиламиз. Бу бирликнинг *совуқ шамол* (паст температура), *совуқ ранг* (кўримсиз ранг), *совуқ нигоҳ* (инсон психологик ҳолати) каби маънолари мавжуд. Семантик валентлигини куйидаги контекстда кузатиш мумкин:

Сўз	Контекст	Яқуний маъно
<i>Совуқ</i>	+ табиат ҳодисаси + вақт	Sem= разряд «белги-хусусият» таксономик синф: физик хусусият: температура
<i>Совуқ</i>	+ ранг	Sem= разряд «белги-хусусият» таксономик синф: физик хусусият: ранг-тус
<i>Совуқ</i>	+ ментал соҳа + психик соҳа + инсонга хос хусусият + инсоннинг ҳаракати ва хулқи	Sem= разряд «белги-хусусият» таксономик синф: инсонга хос хусусият

Корпус семантик разметкаси учун зарурий воситалар сифатида ўзида маълум бир тилнинг лексикасини акс эттирувчи сўзлик (1), тил лексикасини тўла изоҳлай оладиган семантик луғат (2), семантик разметкани амалга ошириш учун лингвистик модул – қоидалар мажмуи (3), семантик разметка тизими (4), қўшимча дастурий восита: кўп маънолилиқ ва омонимликни фарқлай оладиган филтер (5) талаб қилинади. Семантик теглаш жараёнида морфологик, лексик омонимлик; қўшма сўз (таркибли термин) таркибига кирувчи универсал лексика; луғатларда мавжуд бўлмаган сўз; бўлак фрагмент; ҳарфий-рамзий конструкцияларни теглашнинг ўзига хос тамойилларини ишлаб чиқиш лозим, чунки ушбу бирликлар ҳар бир тилда алоҳида характерга эга бўлади.

Диссертациянинг учинчи боби «**Ўзбек тили корпуслари лексик-семантик теглари лингвистик таъминотини яратиш муаммолари**» деб номланган. Бобнинг «Тил бирликларини семантик теглашда семеманинг аҳамияти» номли биринчи бўлимида тил бирликларини семантик теглашда семема масаласи, ўзбек тили бирликларини семантик теглашда луғавий микросистема асосида ёндашув муаммоси таҳлилга тортилган.

